

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида)

2023 йил март ойининг 28-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Каримов, Ш.Мухаммаджоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Қобилжонов, судланувчи Р.Исаков ва жабрланувчи У.Мирзаеваларнинг иштирокида,

Исаков Рохатилло Неъматиллаевич (Isakov Roxatillo Ne'matillayevich) - 1965 йил 8 июль куни Марғилон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Марғилон шаҳар, Чорчинор маҳалла фуқаролар йиғини, Туркистон кўчаси, 28-уйда яшаган, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2023 йил 14 февралдаги ажрими билан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, 2023 йил 28 февраль кунидан қамоқда сақланмоқда, айблов далолатномаси нусхаси 2022 йил 25 декабрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид № 1-1513-2302/20-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :



Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг 2013 йил 27 майдаги №1-852/2013-сонли ижро варақасига асосан, Марғилон шаҳар, Чорчинор МФЙ, Туркистон кўчаси 28-уйда яшовчи Исаков Рохатилло Неъматиллаевичдан ундирувчи Мирзаева Умида Олимжоновна фойдасига икки нафар (28.08.2010 йилда туғилган Мирзаева Раъно Рохатилло қизи ва 02.06.2012 йилда туғилган Мирзаева Мухаммадазиз Рохатилло ўғли) фарзандининг то у вояга етгунга қадар ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлиб, у суднинг буйруғига асосан моддий ёрдамга муҳтож бўлган икки нафар вояга етмаган шахсни моддий таъминлаб туриш мажбурияти эканлигини билсада, 2020 йилнинг январь ойидан 2022 йилнинг апрель ойига қадар ундирилиши лозим бўлган жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида 24.736.646 сўмлик маблағларни тўлашдан бўйин товлаб келганлиги сабабли, у 2022 йил 5 апрелда ЖИБ Марғилон шаҳар судининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилган ва унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазо тайинланган.

Р.Н.Исаков моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган шахсни моддий таъминламаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, яна У.О.Мирзаева фойдасига вояга етмаган шахсни таъминоти учун суд буйруғига асосан ундирилиши лозим бўлган маблағларни 2022 йилнинг апрель ойидан 2022 йилнинг декабрь ойига қадар жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасдан келган, ушбу муддат давомида алиментдан бўлган 9.416.000 сўм қарздорлик юзага келган.

Судланувчи Р.Исаков суд мажлисида, ярашув аризасини қувватлаб, 2022 йил апрель ойидан декабрь ойига қадар алиментдан бўлган қарздорлигини жабрланувчи У.Мирзаевага бера олмай қолгани, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчидан кечирим сўраганлиги, унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи У.Мирзаеванинг суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2022 йил апрель ойидан декабрь ойига қадар судланувчи Р.Исаков 9.416.000 сўм пулларни бермасдан келганини, ҳозирда судланувчи Р.Исаковга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, унга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, у билан ярашиб олганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи У.Мирзаева ҳамда судланувчи Р.Исаковларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Марғилон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Қобилжоновнинг жиноят



ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, айбига ихтиёрий иқрорлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчи ва судланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, судланувчи Р.Исаковга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Суд, судланувчи Р.Исаковга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилб, суд залидан озод қилишни лозим днб топди.

Шунингдек суд, жабрланувчи У.Мирзаеванинг моддий зарар тўлиқ қорланганлиги тўғрисидаги аризасини инобатга олишни ва У.Мирзаевага Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585–586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Судланувчи Исаков Рохатилло Неъматиллаевич Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан жинойи жавобгарликдан озод қилинсин.

Жўраев Исаков Рохатилло Неъматиллаевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Судланувчи Р.Исаковга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан озод қилинсин.

Жабрланувчи У.Мирзаеванинг моддий зарар тўлиқ қорланганлиги тўғрисидаги аризаси инобатга олинсин.

Жабрланувчи У.Мирзаевага Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилгани инобатга олинсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья

Ш.Каримов



Маъсул судья: Каримов Шукуржон Каримович

